*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

17 февраль, шанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 36 (1289)

## ПРЕЗИДЕНТ РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ





**СУРАТДА: қабул пайти.** **Р. Шагаев олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган россиялик журналистларни қабул қилди.

Маълумки, Россия матбуоти вакиллари бир неча кун мобайнида Ўзбекистон вилоятлари ва шаҳарларида бўлиб, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан яқиндан танишдилар.

Президент Ислом Каримов россиялик журналистларнинг ташрифи, бу ерда ўтказган учрашувлари ҳамда мулоқотлари Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Журналистлар Ўзбекистон ҳаёти билан танишиш имкониятини яратгани учун республика раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.Учрашувда россиялик журналистларнинг мамлакатимиз бўйлаб сафари, ҳақиқатан ҳам, қизиқарли ва фойдали бўлгани таъкидланди.

Президент Ислом Каримов уларнинг республикада ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни демократиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ҳамда барқарорликка эришиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади).**
**(ЎзА).**

## ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

***16 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлди.***

Унда тегишли вилоят ва шаҳар ҳокимлари, вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмиталар раиси Исмоил Жўрабеков мажлисни бошқарди.

Мажлисда Бухоро ва Хева шаҳарлари юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Ҳокимлик, вазирлик, идора ва тегишли ташкилотлар раҳбарларининг шу масалалар бўйича ахборотлари тингланди.

Бухоро ва Хева шаҳарларидаги ноёб тарихий-маданий обидаларни таъмирлаш ва ободонлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар ва бажарилган ишлар кўриб чиқилди. Хорижий сайёҳларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, шунингдек, Бухоро ва Хева шаҳарларининг маданиятимиз тарихида тутган ўрни ҳақида илмий ва илмий-оммабоп нашрларни, турли плакат, тақвим ва буклетларни чоп этиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Келгуси йили Бухоро ва Хева шаҳарларида ўтказиладиган халқаро илмий конференцияларга пухта ҳозирлик кўриш, бу шаҳарларнинг тарихи, маданияти ва санъатини тарғиб этувчи фильмлар яратиш борасидаги ишларнинг бориши муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Б. Ҳамидов, К. Раҳимов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ ВА ИСЛОҲОТ

***Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи вазифаларини бажаришда хотин-қизлар ташкилотларининг иштироки масаласига бағишланди. Унда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.***

— Аёлларнинг жамиятимиз иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрни борлиги шубҳасиз, — деб таъкидлади республика Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси раиси Д. Ғуломова маърузасида. Давлат жамиятимизнинг барча соҳаларида ислоҳ қилишда хотин-қизларнинг иштирокини ҳар тарафлама қўллаб-қувватламоқда. Бу аёллар ҳуқуқига риоя қилинишини таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ва хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда намоён бўлмоқда.

Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Шодиева мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор бераётганини айтди. Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳаётнинг турли соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини, ҳатто айрим соҳаларда уларнинг ҳуқуқлари устиворлигини таъминлайди. Хотин-қизлар қўмиталари олдида уларнинг, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошириш борасидаги маърифий ишларни яхшилаш вазифалари турибди.

Мажлис иштирокчилари ўз нутқларида маҳаллий хотин-қизлар қўмиталарининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда иштирок этишга қаратилган ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ислоҳот қирралари*

## БОЗОР ҚИЛИШ УЧУН ЭНДИ ҚИШЛОҚЛИКЛАР ШАҲАРГА ЭМАС, ШАҲАРЛИКЛАР ҚИШЛОҚҚА КЕЛИШМОҚДА

***Нанай қишлоғи Янгиқўрғон туманининг энг чекка қисмида жойлашган. Чор тарафини пурвиқор тоғ тизмалари ўраб туради. Нанай ва унинг атрофидаги Мамай, Кўкёр, Оқтом қишлоқларида 25 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ана шунча аҳоли шу пайтга қадар бозор қилиш учун 75-80 километр йўл босиб Наманган шаҳри ёки туман марказига келишарди.***

Мана бир неча ойки, улар шу ернинг ўзида бозор-ўчар қилишяпти. Чунки Нанайда аввал хабар қилинганидек, умумий майдони 2 ярим гектар, барча қулайликларга эга бозор комплекси қуриб фойдаланишга топширилди.

— Бозорни ўз маблағимиз ҳисобига бунёд этдик, — дейди «Нанай» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Б. Худойбердиев. — Бозор иқтисодиёти аҳолининг турмуш тарзига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади: узоққа қатнаб, бозор қилиб, қийналишиб қолди. Жамоамиз фаоллари билан маслаҳатлашгандан сўнг ушбу бозор комплексини қуришга киришдик.

Бозор соф миллий услубда қурилган. Қишлоқ кўркига кўрк қўшиб турибди. Бозорчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. 20 ўринли меҳмонхона, 200 тонна маҳсулотни сақлайдиган омборхона, чойхона, ошхона, қассобхона, автомобиллар сақланадиган махсус жой ана шулар жумласидандир. Бозорнинг асосий қисми 350 савдо ўрнига эга бўлган икки қаватли қишки бино, усти ёпиқ бозор растаси ҳамда 20 та хусусий дўкондан иборат. Унинг орқа томонида эса махсус мол бозори бор. Қисқа қилиб айтганда бозорга келган одам ноумид қайтмайди: хоҳлаган нарсасини харид қилиши мумкин.

Бозор айни пайтда гавжум. Айниқса, шанба, якшанба кунлари бу ердан кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган истаган нарсани харид қилиш мумкин. Қизиқ жойи шундаки, энди қишлоқликлар бозор қилиш учун шаҳарга эмас, шаҳарликлар қишлоққа келишмоқда. Чунки Нанайда мева, сабзавотдан тортиб, чорва ҳайвонларигача бошқа жойларга нисбатан, икки-уч ҳисса арзон. Зеро, мева-сабзавотлар шу ернинг ўзида етиштирялганлиги учун деҳқон молини бозорга олиб бориш учун ортиқча харажат сарфламайди. Бу эса бозорда нарх-навонинг пасайишига сабаб бўлади.



**И. ХУДОЁРОВ,**
**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари**

## ТОШКЕНТДА ШИМОЛИЙ КОРЕЯ КИНОҲАФТАЛИГИ

***Тошкентдаги Нодирабегим номли кинотеатрда Ўзбекистон давлат кинокомпанияси ва Корея Халқ Демократик Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Шимолий Корея киноҳафталигининг очилиш маросими бўлди.***

Бир ҳафта давомида Тошкентнинг Нодирабегим ва Гагарин номидаги кинотеатрларида КХДРда ишлаб чиқилган тўрт бадиий фильм ҳамда ушбу мамлакат ҳаёти ҳақида сўзлаб берувчи қатор ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

Шимолий Корея киноҳафталигининг Ўзбекистонда илк бор ўтаётганига қарамай, киномухлислар томонидан қизиқиш билан қарши олинмоқда. Айни вақтда ўзбек киноусталари Пхенянда Ўзбекистон киноҳафталигини ўтказиш устида ишламоқда.

*• Қарор ва ижро*

## ҚУЛАЙ, ФОЙДАЛИ, ИШОНЧЛИ — БУНГА ДАВЛАТ КАФОЛАТ БЕРАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга мувофиқ Ўзбекистон Халқ банки муассасалари 15 февралдан бошлаб омонатларни расмийлаштириш ва омонатчиларга «индексация» махсус счётлари бўйича омонат дафтарчаларини топширишга киришди.***

***Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири Альфред Баранов ва Халқ банки бошқарувининг раиси, аҳолининг халқ банки муассасаларидаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш республика комиссияси раисининг ўринбосари Нуриддин Муҳиддинов собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида ҳали мисли кўрилмаган бу иш — ҳақиқатни тиклаш ҳамда меҳнат аҳлининг ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатларини чинакам муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисида суҳбатлашдилар.***

**— Давлат бошлиғининг мазкур Фармони ва ҳукумат қарорини амалга оширишда, шу ҳужжатларнинг мазмунига қараганда, Халқ банки муассасалари алоҳида ўрин тутади. Дастлабки босқичда қандай вазифалар ҳал қилинди ва уларни ҳал қилиш учун қанча меҳнат сарфланди?**

— Муассасаларимиз бу ишга Президент Ислом Каримовнинг Фармони чиққан кундан, яъни ўтган йилнинг 20 декабридан бошлаб киришган эдилар. 1992 йил 1 январгача жамғарма кассаларига қўйилган ҳамма омонатлар барча жойларда тўла рўйхатга олинди, бу омонатларнинг шу йилнинг бошига қадар ҳаракатлари текширилди, индексация қилиниши лозим бўлган пул миқдори аниқланди.

Тегишли ведомостлар, банкларимиз ҳисобида индексация қилиниши лозим бўлган пул маблағлари бўлган омонатчилар рўйхатлари тузилди. Сўнгра бу ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, барча вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари қошида тузилган ҳудудий комиссияларда тасдиқдан ўтди. Президент Фармонига мувофиқ, барча ишнинг боришини, индексациялаш ва аҳолига пул жамғармаларини тўлаш билан боғлиқ масалаларнинг тўғри ҳал қилинишини кузатиб бориш шу комиссиялар зиммасига юкланган.

Қилинган ишларнинг ҳажми ва кўламига келганда эса, рақамларга қараб, ўзингиз хулоса чиқаришингиз мумкин. Республика бўйича маблағни банкларимизда сақлаётган, омонатлари индексация қилинадиган омонатчиларнинг умумий сони беш миллион кишини ташкил этди. 1992 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган омонатларнинг миқдори уларнинг ана шу даврдаги ҳаракатини ҳам ҳисобга олганда олдинги пул ҳисобида 9 миллиард сўмга тенг бўлиб чиқди. Давлатимиз валютасининг ҳозирги қийматига қиёслаб қайта ҳисоблаганда, бу рақам 9 миллион сўмга яқинлашади. Шу пул 4000 баравар индексация қилинса, бу қолдиқ 36 миллиард сўмга етади...

Биз иш якунларига доир айрим рақамларнигина келтирдик. Уларни ҳисоблаб чиқиш учун минглаб банк ходимлари кўпдан буён қизғин меҳнат қилишмоқда. Фақат бизнинг тизимдаги мутахассислар эмас, Молия вазирлиги, Марказий банк, Тижорат банклари тузилмалари, марказий ва ҳудудий индексация комиссиялари мутахассислари ҳам кўп куч-ғайрат сарфлашмоқда.

**— Бу катта ҳажмдаги ишдан ташқари алоҳида қийинчиликлар, ўзига хос тўсиқлар ҳам бўладими? 4000 баравар деган рақам қаердан олинган?**

— Қийинчиликлар бўлди, албатта. Ҳар қандай ишда қийинчиликлар бўлади. Аммо булар бизнинг муаммоларимиз. Биз уларни ҳал қилиб келдик ва бундан кейин ҳам ҳал қиламиз. Бу хусусда омонат эгалари ташвиш чекишмасин. Қилинган ишлар хусусида шуни таъкидламоқчиманки, ходимларимиз бундай катта ҳажмдаги ишни бажаришга ҳозир ва нозир бўлиб турган эдилар.

Чунки, аҳоли омонатларини индексациялаш тўғрисида Президент Фармони ва ҳукумат қарори бирданига пайдо бўлгани йўқ. Бу ҳужжатлар мустақил Ўзбекистонда аввал бошиданоқ ўтказилаётган ижтимоий йўналишдаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш сиёсатининг натижасидир. Ўзбекистон давлатимиз бошлиғи Ислом Каримовнинг ислоҳотлар фақат халқ турмушини яхшилаш учун, ҳар бир кишининг манфаатлари ва унинг бахт-саодати йўлида амалга оширилди, деган қатъий кўрсатмаси асосида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб олган.

Ана шундай сиёсат ўтказилаётган шароитда ўз жамғармаларини сақлашни давлатга ишониб топширган одамларнинг омонатларини қайтариб бериш масаласи долзарб масала қилиб қўйилмаслиги мумкин эмас эди. Лекин бу масалани собиқ империя парчаланиб кетганидан сўнг унинг ҳудудида вужудга келган иқтисодий ва молиявий тарқоқлик, тартибсизлик шароитида кўндаланг қилиб қўйиш бемаънилик бўлур эди. Омонатларни индексациялаш тўғрисида Президент Фармони ва ҳукуматимиз қарори ана шу қийин даврлар орқада қолгач, ёш мустақил давлатимиз иқтисодий жиҳатдан қаддини ростлаб, миллий валюта — сўм жорий этилиб, у куч тўплагач, пулнинг қадрсизланиши жиловланиб, бу жараён назорат қилинадиган ва қандай кечиши олдиндан маълум бўлган вазиятдагина пайдо бўлди.

Шундан кейингина аҳолининг омонатларига, уларнинг қонуний жамғармаларини қайтариб беришга навбат келди. Ходимларимиз индексация қилиш ишлари ҳажми жуда катталигига ва мураккаблигига қарамай, бу ишга мамнуният билан киришдилар. Шунинг учун ҳам Халқ банки муассасалари аниқ белгиланган муддатда, 15 февралда омонатларни махсус «индексация» счётларига қайта расмийлаштиришга ва омонатчиларга янги омонат дафтарчаларини топширишга киришдилар.

Индексация қилиш ёки омонатларни 4000 баравар кўпайтириш зарурати мутахассисларимиз ана шу йиллар давомида нарх-наво ва тарифларнинг амалдаги ўсиши асосида қайта ҳисоблаб, илмий жиҳатдан пухта текширишлари натижасида пайдо бўлди. Бу мураккаб ишнинг тафсилотларига тўхталишга ҳожат бўлмаса керак. Омонат эгаларини ишонтириб шуни айтишим мумкинки, бу рақам энг мақбул миқдордир. У тўрт йил давомида ҳаётимизда ва иқтисодиётимизда юз берган ўзгаришларни тўла акс эттиради.

**— Мана, иш ҳам бошланди, дастлабки омонатчиларга янги омонат дафтарчалари топширилди... Бундан кейин нима бўлади?**

— Бундан кейин эса, Президент Фармонида, ҳукумат қарорида олдимизга қўйилган ва 2005 йилгача мўлжалланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан кундалик режали ишларни давом эттиравермиз. Матбуотда эълон қилинган мазкур ҳужжатларга шарҳларда индексациялаш ишларининг тартиби батафсил баён қилиб берилган.

1992 йил 1 январга қадар банкларимизга ўз жамғармаларини қўйган ва омонатлари 1996 йил 1 январга қадар амалда бўлган барча кишиларга 30 июнга қадар махсус «индексация» счётлари очамиз. Ҳозир Халқ банки қошида республика «Қоплаш фонди» ташкил этилган. Қарорда кўзда тутилганидек, 1 июлдан бошлаб индексация қилинган омонатлардан аҳолининг истагига мувофиқ пул тўлашга киришамиз.

Ишимиз кўп, лекин ходимларимиз омонатчиларнинг қонуний манфаатларини тўла қондириш, пулни Ўзбекистон Халқ банкида сақлаш қулай, фойдали ва ишончли эканига одамлар амалда қаноат ҳосил қилиши учун куч-ғайратларини аямайдилар.

# ҲАЗРАТ, БАРЧАМИЗГА ТИЛАНГ ОМОНЛИК

## БАҚО РИХЛАТИ



*Туғилиш ўлим сари қўйилган биринчи қадамдир. Демак, тириклик ҳам ўша қазои қадар айёмигача бўлган сафарга ўхшайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг бу сафари нақадар шонли ва такрорланмас бўлди. Дунёнинг ярмини бир тўғ остига бирлаштирди, назари тушган жойда инсонлар учун ато этилган сўнгги нажот — Ислом динини устивор қилди. Шу мақсад йўлида умрини бахш этди, тартибсиз, осий мамлакатлар узра адолат яловини ҳилпиратди. Бу йўлда Аллоҳнинг инояти билан мағлубият нималигини билмади.*

...Ўшанда Ўтрорда қалин қор ёққан, ҳаво ҳам ўчакишгандек муз қотган эди. Хитой фатҳига азим айлаган қўшин пайт пойлаб тўхтаганда Соҳибқироннинг соғлиги бирдан ёмонлашди. Бу ҳол худди табиатнинг мислсиз офатлари каби кутилмаганда рўй берди. Тафаккури денгизлар тўрини ёритган, қалб кўзгусида етти иқлимни инкишоф этган зот бу ҳолнинг оқибатини аниқ билди ва аъёнларга зарур тайёргарлик кўришни топширди. Энг сўнгги нафасигача закийлигини йўқотмаган буюк ақл кучи билан «Авлодларга васиятнома»сини баён этди:

*«... Англаб турибманки, руҳ қуши қалб қафасидан парвоз қилмоқчи. Тангри таолонинг даргоҳига жонимни бахш этаётибман. Сизларни унинг лутфу марҳаматига топширдим. Обидийда қилиб ўтирманглар, оҳу нола чекманглар, чунки бундан фойда йўқ. Руҳимни фотиҳа ва такбир билан шод этинглар...»*

Бу воқеа 1405 йил 18 февраль куни рўй берди. Соҳибқироннинг энг сўнгги сўзи «Ло-илоҳо иллоллоҳ» бўлди. Шаҳрисабзда сайрини бошлаган қуёш гўё Ўтрорда уфққа бош қўйди. Бу буюк бобокалонимизнинг АБАДИЙЛИК дунёсидаги умрининг илк сониялари эди.

*«Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг.*

*Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифаларни қўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин...».*

## «БОБОКАЛОНИМИЗГА ДАХЛДОР ҲАР БИР БУЮМ – ТАРИХ»

**дейди тикловчи-таъмирловчи кимёгар Ш. ИЛҲОМОВ**

***Кимё фанлари номзоди Шариф Илҳомов қарийб ўттиз йилдан буён тарихий осориатиқларни тиклаш-таъмирлаш ишларида қатнашади.***

Айниқса, Афросиёбдаги нодир девор суратларни аслига қайтариш (яқинлаштириш) тадбирларида иштирок этгани билан фахрланади. Асосан, Самарқанддаги Археология институтида фаолият кўрсатган Шариф ака Амир Темур ва Темурийлар даврига оид ашёларни ўрганиш ва тадқиқ этиш билан боғлиқ тафсилотларни яхши эслайди. Хусусан, Гўри Амир хилхонасида 1941 йилда амалга оширилган машъум «очиш» жараёнидан кейинги аҳвол ҳақидаги баъзи ҳикоялари эътиборли.

— Республика Фанлар академияси археология илмий тадқиқот институтида ишлардим, — деб эслайди. Илҳомов, — бир кун эрталаб Ўзбекистон халқлари санъати ва тарих музейининг раҳбари беҳосдан кириб келди. У анча ташвишли, ҳатто йиғлагудек кайфиятда эди. Маълум бўлишича, музей жиҳозларини кўчираётганларида Амир Темур дафн этилган тобут қўлдан тушиб кетибдти.

Эндиликда гап нимадалигини шарҳлаш учун келтириладиган далиллар муштарийларга маълум. Темурийлар хилҳонаси очилгач, одми бир ибора билан айтсак, марҳумлар руҳи безовта бўлиб, уруш бошланиб қолади. Бу ёғида нима бўлгани фақат худога аён. Жонли гувоҳлар — Малик Қаюмов ва бошқаларнинг шоҳидлик беришича, арча дарахтидан ишланган тобут анча унниқиб қолган бўлган. Унинг паст қисми, тўртта оёғи ва бирлаштирилган бўлаклари чириб кетган, темир михлар эса занглаб, тамом бўлган. Тарихнинг бу жонли шоҳиди шўро замонида қаерларда сақлангани номаълум, фақат Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланган 1970 йилда у бир оз таъмирланиб, кўргазма саҳнларидан жой олган эди. Орадан ўн йил ўтгач эса Самарқанддаги музей янги бинога кўчирилаётганда қўлдан тушиб кетган эди.

— Унинг қолдиқлари сочилиб ётарди, — дейди Шариф ака, — бўлаклардан фақат тасаввур ҳосил қилиш мумкин, бироқ ўтмишимизнинг бир ёдгоридан асар ҳам йўқ эди. Тахталар нам таъсирида қийналиб кетганди. Уларни иссиқ сувда ивитиб, юк бостириб қўйдик. Асл ҳолига қайтгач, хона ҳароратида қуритдик, сўнгра чириган жойларига пайрахаларни ёпиштириш, яна бошқа тиклаш жараёнларини бажаришга тўғри келди. Махсус кимёвий суюқлик (полибутол) метал крилатнинг бошқа кучайтирувчи аралашмалар қўшилиб тайёрланган эритмаси билан обдон ишлов берилгач, ашё ўз ҳолида тикланди.

Тахталар спектрал таҳлилдан ўтказилганда ундан жасаднинг мўмиёлангани аломатлари ва райҳон ўсимлиги гулининг асоратлари топилган. Бундай жузъий белгилар ҳам миллий урф-одамларимизнинг қайсидир қирралари ҳақида гувоҳлик беради.

Самарқанддаги музей экспонатлари қаторида ана шу ашё ҳам маълум рақам остида сақланмоқда. Уни кўриш, эслаш, ҳатто қайд этиш ҳам унча осон бўлмаган олти асрлик тарих тўфонлари, халқимиз бошидан кечирган мудҳиш кунларни эсга солади. Қайта-қайта ўйлашга ва фикр қилишга ундайди у кунлар.

**Ҳ. САТТОРОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

*Юбилей муносабати билан буюк бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш кенг миқёсларда давом этмоқда. Бундай хайрли тадбирда иштирок этишни истаганлар бисёр. Бу ҳолни таҳририятимизга келаётган кўплаб хатлардан ҳам билса бўлади. Уларнинг муаллифлари турли касб ва қизиқишдаги кишилар бўлса-да, ўтмишимизга, фахрли аждодимиз Амир Темурнинг табаррук хотирасига чуқур ҳурмат мактубларнинг умумий руҳини ташкил этади.*

Енгилмас саркарда бўлган Амир Темур адабиётни ҳам севган. У ўз девонида туркигўй шоирларнинг шеърларини тўплаб, «Мазлумоти туркий» мажмуасини туздирган. Унга ўзининг ёшлиги билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни «Одамлар бу ишларга ишонмайди» деб атайлаб киритдирмаган экан. Амир Темурнинг шу ишидан унинг камтарлиги кўринмайдими?! Ёки соҳибқироннинг Али Яздийнинг «Китоби рўзномаи ғазовоти Хиндустон» асари хусусида тутган йўлини эсга олайлик. Далиллардан кўра мақтовларга тўла бўлган бу асарни Амир Темур пучга чиқарганлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган...

**Гадой МЕЛИЕВ,**
**Жомбой туманидаги Химичи қишлоғи, меҳнат фахрийси.**

Х Х Х

Бундан ўн бир йил муқаддам Россия билан Финляндия чегарасидаги Виборг шаҳрида офицерлар тайёрлаш курсида ўқирдик. Бир куни тактика ва стратегия ҳақида баҳс бошланди-ю, зобитларнинг унинг келиб чиқиши ҳақида гапиришни хушламаётганликлари сезилиб қолди. Биргина Ибрагимов деган янги келган зобитгина мийиғида кулиб қўйди. У қалмоқ бўлиб, «оға»лар билан кўпам «қони қўшилавермас» эди. Тактика ва стратегия ҳақидаги саволларимиз жавобсиз қолаёзди. Аммо ўша қалмоқ зобит пайт пойлаб туриб, ўзбек ва тожикдан иборат бўлганимиз — борйўғи уч туркистонликни холи қилди-да, деди:

— Биласизлармми, тактика ва стратегияни ким яратган? Соҳибқирон Амир Темур яратган. Ҳарбий билим юртларида, академияларда бу махсус ўқитилади...

Тўғриси, бу ҳақда маълумотга эга эмасдик. Аввалига ханг-манг бўлиб қолдик. Кейин эса... Қандай ҳаяжонга тушганимизни таърифлаш қийин. Ғурур деганлари шундай ёпирилиб кела бошладики! Нафсиламбирини айтганда, бизнинг билганимиз бу ҳақиқатга бутунлай зид эди. Юқоридаги биргина ишоранинг ўзигина Темур ҳақидаги салбий таърифлар, муносабатлар бўҳтон эканлигини кўрсатиб қўйганди. Қаҳри қаттиқ бўлса бордир, аммо шунчалик катта ҳарбий таълимотга асос солган экан-ку?! Бундан чиқди, бугунги кун тилида айтадиган бўлсак, бобомиз олим эканлар-да?!

Бу бизнинг соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги билган илк ҳақиқатимиз бўлиб қолди.

— Шуни очиқ айтиб қўя қолишса бўлмасмиди? — сўрагандик ўша қалмоқ зобитдан. У ҳам шундан ҳайронлигини билдирди.

Мана, бугунга келиб эса соҳибқирон ҳақидаги бор ҳақиқат бизга аён бўлиб қолди. Топталган қадрият тикланди. Турк қавми кўкрак керди, ғурурдан боши осмонга етди.

Ўша машҳур. Ҳарб санъатига оид, давлат бошқарув тизимлари, ҳарбий стратегия ва тактикаси (Темур тилида, инчинун, туркий тилда — савқулжайш ва таъбиятулжайш) очиб берилган буюк мемуар — «Темур тузуклари»ни биз ҳам қўлга олиш бахтига муяссар бўлдик. Бу бобокалонимиз қўлидан тушиб қолган табаррук қамчини яна қайтариб келиб, уйимиз тўрига осиб қўйгандай таассурот қолдиради. Рамзий маънода ҳам ҳарб китоби — қамчи. Бу қамчидан кимлар фойдаланмади!

**Муҳаммад ҚОДИР,**
**Наманган шаҳри**

Х Х Х

**(Лавҳа)**

Чопар Амир Темурнинг буюк ғалаба билан қайтаётганлиги ҳақидаги хушхабар ила малика Бибихоним ҳузурига от чоптириб етиб келди. Салобатли саройга кирар экан, ясавуллар унга йўл бўшатдилар, чопар қатор пиллапоялардан ўтиб, чўғдек гиламларда из қолдирганча одимларди. Заррин чамбарлар-у, гиштин токчалар, сайқал берилган айвон пештоқлари ҳамда ранг-баранг товланган каштлар, зарҳал буёқлар ила ишланган девор суратлари ажиб кўрк-чирой бахш этган ҳашамдор сарой тўридаги тахти равонда Амир Темурнинг севимли маликаси ўлтирар эди. Бибихоним чопарга кўзи тушиб, ўрнидан турди.

— Суюнчи беринг, маликам! Олам тургунча туринг, Амир Темур зафар ила шаҳри азим Самарқандга кириб келаётир,Сизга яна Амирим беҳисоб салом йўллайдурлар! — деди чопар...

**Ойсора ҲОЖИМАТОВА,**
**Жомбой тумани, котиба.**

Х Х Х

1961 йил сентябрь ойининг бошларида ЎзФА ҳақиқий аъзоси Ғ. Мавлонов ўз хонасига таклиф қилиб, рус миллатига мансуб киши олдида менга «Ота-боболар руҳини ҳурмат қиласизми?» деб дабдурустдан савол бердилар. Саволни тушунмадим ва маънисини сўрадим. Шунда домла Совет Иттифоқи бўйича БМТ рўйхатида икки обида (Амир Темур мақбараси ва Киевдаги София будхона мажмуаси) борлиги ва Амир Темур мақбарасини тиклаш учун БМТ махсус маблағ ажратганини маълум қилди, аммо мақбарада намлик даражаси ошгани сабабли таъмирлаш ишларини амалга ошириш имконияти бўлмаётган экан. Бу муаммони ечишга кўмаклашишимни сўрадилар.

Мақбара Сиёб сойи ёнида қурилган. Сизот сувлари сатҳи пойдевор жойлашган қум (рег) қатламида, аммо ундан 1,5 м. чамасида чуқур. Демак, намликнинг ошиши бунга боғлиқ эмас. Ақли говлаган реставратор-таъмирловчилар ҳовлига бетон плиталар ётқизган, натижада ёмғир сувлари 7 та шимувчи қудуқ орқали тўғридан-тўғри пойдевор жолашган қатламга сиздирилган. Майдонни ободонлаштириш мақсадида унинг чегараси бўйлаб сувнинг айланиб оқишини ташкил қилишган, эскидан мавжуд бўлган сув буғлатгич қайрағочларни кесиб ўрнига манзарали дарахтлар экишган, Сиёб сойи ташландиқ ҳолга келиб қолган, ахлат ташланиб саёзлашган ва ҳ. к. Албатта, булар тупроқ намлигига таъсир қилган, аммо бизни қизиқтирган масала омили бўлмаган.

Текшириш ишлари олиб боришнинг учинчи куни дераза туйнукларининг жойлашиши ҳаёлимни тортди. Улар бирбирига қарама-қарши жойлашган 4 туйнукдан иборат бўлганлиги ва ўша кунга келиб 2 таси бутунлай ғишт билан беркитиб ташланганни, қолган иккитаси эса ёғочдан ясалган ва ойна солинган оддий деразалар билан ёпилгани кўзга ташланди. Жумбоқ ечилгандек бўлди, деразаларни очиб ташладик. Ниҳоят, 4 соатлар ичида мақбара пастки ва устки қаватларида намлик очиқдаги ҳаво намлигига тенглашди.

Республикамиз тарихий обидаларини зиёрат қилар экансан, кўп нарсаларга тўла риоя қилинмаётганлигининг шоҳиди бўласан, киши.

**Сайдулла МИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

Улуғ соҳибқирон фақат тиғ билан эмас, теран ақл билан иш юритганлиги учун ҳам адолатли подшо сифатида дунёга танилди. Билакнинг эмас, билимнинг кучига ишониш кераклигини ўз вақтида англаган доно саркарда бу ҳақда қуйидагиларни битади: «Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин экан...» Буюк жаҳонгир ўзининг бу фикрига бутун умр қатъий амал қилган ва ҳатто ғанимни ҳам аввал ширин сўз, ширин ҳикмат билан ўзига ром этишга уринган. Бу борада шу даражага етиб борганки, унга қарши қилич қайраган, ҳатто бошини олиш учун фурсат пойлаганлардан ҳам тиғ орқали ўч олишга шошилмаган — қиличдан ҳам ўткирроқ сўз орқали изза қилган, оёғига тиз чўктирган онлар кўп бўлган. Жумладан, унга нисбатан бир неча бор макру фириблар ишлатган қайноғаси Амир Хусайнга бир гал ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юборади:

*Ёрга еткур сабо, ким*
*макр қилмишдир манға,*
*Қилди эрса кимга*
*макрин, қайтадур бир кун анға.*

Бу хат Амир Хусайнга бориб етгач, кўп ҳижолат бўлиб уялади, улуғ саркардадан узр сўрайди.

Хушмуомалалик ва тадбиркорликда ҳаммага намуна бўлган улуғ жаҳонгир бошқалардан, жумладан, вазирларидан ҳам шуни талаб қилади: «Ақлли, билимдон ва ҳушёр вазир шундай бўлурки, бир тўғри тадбир қўллаб ғаним қўшинини пароканда қилиб юборади, муроса-ю, мадора, хушмуомалалик билан сипоҳни бирлаштириб, душман лашкарини ўзига ром қилади...»

Ўзи навкарларини улуғлаб «баҳодирлар!» дея мурожаат этадиган улуғ саркарда вазирлардан ҳам хоҳ сипоҳдан, хоҳ раиятдан бўлсин, ҳар кимнинг номини яхши сўзлар билан тилга олишни талаб этарди...

**Сиддиқ МЎМИН,**
**Фарғона давлат университети докторанти.**

***Шуниси қувончлики, илм аҳлининг саъй-ҳаракати билан кўп нарсалар аниқланди, улар жамоатчиликка маълум қилинди. Эндиликда 3-4 йил олдинги оддий маълумотлар янгилик бўлмай қолди. Қолаверса, бу борадаги тадқиқотлар чуқурлашиб, улкан мероснинг янги-янги қирраларини кашф этиш бошланди. Шу маънода, газетамизда эълон қилинган танловга тақдим этилаётган мақолаларга ҳам жиддий талаблар қўйилади. Улар бадиий жиҳатдан мукаммал ва биринчи манбаларга асосланган бўлиши лозим.***

**Хатларингизни кутамиз.**

## Амир Темур ўгитлари

***. Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.***

***. Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.***

***. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўй.***

***. Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.***

***. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур.***

***. Номуссиз хиёнатдан номусли ўлим яхши.***

***. Қилич ўткир бўлса-да ўз сопини кесмагай.***

***. Оғзинга қон тўлса ҳам душман олдида тупурма.***

***. Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.***

***. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.***

***. Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.***

***. Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин.***

***. Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратсинлар. У ерларни гилам, таом ва чироқ билан таъминласинлар.***

***. Беткай кетар, бел қолар, беклар кетар, эл қолар***

***. Адоват эмас, адолат енгади.***

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э.Болиев.
Навбатчи — А. Абдурахмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 079. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 21.00.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5 6